

## Зотур риқоъ ғазоти ва икки саҳобанинг исломга кириши



11:03 / 29.08.2021 3171

«Зотур риқоъ» сўзи луғатда «ямоқли» деган маънони билдиради. Айрим тарихчиларнинг фикрича, бу ғазот иштирокчилари оёқларига латталарни боғлаб олганлари учун шундай аталган.

Ушбу юришни уюштиришдан асосий мақсад «Биъру Маъуна»да ўлдирилган етмишта саҳобийнинг ўчини олиш, муслмонларнинг кучи борлигини душманга кўрсатиб қўйиш эди.

Ғатафонликлар ҳам жуда кўп одам тўплашган эди. Икки томон бир-бирини қўрқитиш учун баъзи бир ҳаракатлар қилдилар-у, аммо уруш бўлмади. Муслмонлар душман билан юзма-юз турган ушбу ғазотда хавф намозини ўқидилар. Бу ғазот рабиъул аввал ойида бўлиб ўтди.

## **Амр ибн Ос ва Холид ибн Валиднинг исломга кириши**

Бу икки шахс Мадинага, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келишди. Улар билан бирга Усмон ибн Талҳа ҳам бор эди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида мусулмон бўлишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу икки улуғ кишининг мусулмон бўлганларидан ниҳоятда хурсанд бўлдилар. Бундан кейин Холид ибн Валид ва Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумо Ислом фатҳларининг энг буюк қўмондонларига айланишди.

***«Ислом тарихи» биринчи китоби асосида тайёрланди***